

Боту янги замон ўзбек адабиётини бошлаб берганлардан бири, истеъдодли шоир ва жамоат арбоби эди. У 1904 йил 16 майда Тошкентнинг Шайховандтохур даҳасининг Катортерак махалласида туғилди.

Бошлигич таълимни эски усулдаги мактабларда олган бўлса хам, олий таълимни Москвадаги Покровский номидаги институтнинг рабфакида (1921) олди. Сўнгра Москва Давлат дорилфунунининг иктисад факултетида ўкишни давом эттирди (1921—1927). Самарканд Педакадёмиясига кайтгач, адабий ва илмий иш билан машгул бўлди. 20-йилларнинг ўрталаридан бошлаб, партия, давлат ишларида фаоллик кўрсата бошлади. Самарканда нашр этилган «Аланга» ойномасида ва «Фаргона» рўзномасида муҳаррирлик килди.

Шу даврдан бошлаб, унинг шеър ва хикоялари, публитистик асарлари ва очерклари — «Билим ўчоги», «Инкилоб», «Тонг», «Аланга», «Маориф ва ўқитувчи» сингари ойномаларда чоп этилади. Унинг «Хайит харом бўлди» (1929), «Турсун» (1930) каби хикояларида эскилик билан янгилик ўртасида кураш, зиддият ўз ифодасини топди. Айникса, «Хайит харом бўлди» хикоясида эски дунё тарафдорларининг инкирози хажвий йўсинда фош этилади. Унинг «Октябрдан сўнг ўзбек адабиёти...», «Умид учкунлари», «Тўлкин товушлари» каби маколаларида эса тил, имло, адабиёт тақдири хакидаги ўз карашларини баён этади. Шунингдек, унинг «Умид учкунлари», «Тўлкинларим» (1930) каби шеърий тўпламлари нашр этилади. Улардаги «Ўзбек кизига» (1920), «Куз кунида», «Парчалар», «Сўрма», «Хижрон тўлкинлари», «Умид учкунлари» (1925) каби шеърлари самимий ва хаяжонли туйгулар ифодаси эди. Айникса, унинг табиат гўзалликлари, сехрли, кароматини очувча «Кўклам», «Олой кизи», «Каспий денгизига» каби шеърлари китобхонни ўзига мафтун этарди. Шоирнинг «Биринчи хат» поемаси хам машхур бўлган. Энг муҳими, унинг шеърларида порлок, озод келажак учун кураш бош мотив деса бўлади. Шу жихатдан, унинг «Кўзголиш», «Исён», «Бизнинг товуш», «У кун», «Ёш юрак тўлкинлари» каби ўнлаб шеърларида хаёт, кураш, келажак тушунчалиси бош мавзудир. Шунинг учун хам шоир ўз юрти, эли осмонини мусаффо кўришни хоҳлайди:

Йиртилингиз, эй ярамас кора калин пардалар,  
Хеч ёвуксиз юлдузларнинг нурли юзи очилсин!  
Йўколингиз ёргуликни тўсатурган булутлар,  
Юртимизга энг юксакдан ёргуликлар сочилсин!

Ха, шоир орзу килган янги олам кўксидаги озодлик куёши, истиклол куёши нур соча бошлади. Бу нур баркарор бўлсин, деймиз.

Боту жамоат арбоби ва таржимон сифатида хам элга танилган эди. Хусусан, республикамида мактаб-маориф ва олий таълимни, фан ва маданиятни ривожлантиришда жонбозлик кўрсатгани маълум. Бирок, Боту ўз даври сиёсатига муте холда баъзи хато ва зиддиятли йўлда ха бўлган. Хусусан, Фитрат ва Чўлпонларга («Менинг кечам»ига «Менинг кундузим» билан жавоб килган) карши мафкуравий

курашларда хам иштирок этди. Шунга карамай, у адабиётимиз тарихида ўзига хос овозли шоир, сифатида ўрин эгаллайди.

Унинг бир ўгли — Эркли Махмудович Ходиев жаррох, тиббиёт фанлари доктори, профессор бўлса, кизи — Наима Махмудовна Махмудова тиббиёт фанлари доктори, профессор, иирик жамоат арбоби (Республика касаба уюшмаси раиси бўлган) хамдир. Боту вафоти хакида хилма-хил карашлар мавжуд. Уларнинг бирида Боту 1940 йилда хасталикдан вафот этди дейилса, бошкасида 1938 йил 8 майда Москвада халк душмани сифатида отиб юборилган дейилади.